Maktabga sâat 8 (sakkiz) da bâraman.

Darsingiz neça sâat davâm etadi?

Darsimiz beş sâat davâm etadi.

Ayâllar kaçan kam gapiradi?

Fevral âyida.

Nega?

Çünkü fevral eng kıska ây.

ÇOK KULLANILAN İFADELER:

Ҳозир соат 12 дан 20 минут ўтди.

Hâzir sâat 12 (on ikki) dan 20 (yigirma) minut ötdi.

Şu anda saat 12 (oniki) den 20 (yirmi) dakika geçti.

(Şu anda saat onikiyi yirmi geçiyor.)

Ҳозир соат 15 минути кам 6.
Hâzir sâat 15 (on beş) minuti kam 6 (âlti).
Şu anda saat 15 (onbeş) dakikası az 6 (altı).
(Şu anda saat altıya onbeş dakika var.)

Соат 9 ярим бўлди.
Sâat 9 (tokkız) yarım boldi.
Saat dokuzbuçuk oldu.

Якшанба қандай кун?
Якшанба дам олиш куни.
Yakşanba қандай күн?
Yakşanba дам âliş күни.
Pazar nasıl gün?
Pazar dinlenme günü.

НАВРЎЗ

Наврўз, Ўрта Осё ва Яқин Шарқ халқларининг қадимий янги йил байрами. Бу байрам Ўрта Осёда ислом дини қабул қилинмасдан анча илгари мавжуд бўлган.

Наврўз баҳор фаслида нишонланади. Бу пайтда табиат уйғониб, барча ўсимликлар кўкара бошлайди. Деҳқончилик ишлари бошланади. Шунинг учун ҳам Наврўз факат янги йил байрами бўлиб қолмасдан, меҳнат байрами ҳамдир. У 22 (йигирма иккинчи) мартда ўтказилади. Шу куни кеча билан кундуз тенглашади.

Ҳозир Ўзбекистонда Наврўз баҳор байрами сифатида нишонланади. Байрам кунла-

ри одамлар бир-бирларига гуллар совга қиладилар, яхши тилаклар билдирадilar, турли миллий таомлар, жумладан, сумалак, кўк сомсалар тайёрлайдилар. Ёшлар лапар айтиб, рақсга тушадилар.

NAVROZ

Navroz, Orta Asya va Yaqin Sharq halklarining kadimiy yangi yil bayrami. Bu bayram Orta Asyada islâm dini kabul kılınmasdan ança ilgari mavjud bolgan.

Navroz bahâr faslida nişânlanadi. Bu paytda tabiat uyğânib, barça ösimliklar kökara başlaydi. Dehkânçilik işlari başlanadi. Şuning uçun ham Navroz fakat yangi yil bayrami bolib kâlmasdan, mehnat bayrami hamdir. U 22 (yigirma ikkinçi) martda ötkazadi. Şu küni keça bilan kündüz tenglaşadi.

Hâzir Özbekistânda Navroz bahâr bayrami sıfatida nişânlanadi. Bayram künlari âdamlar bir-birlariga güllar sâvga kıladilar, yahşi tilaklar bildiradilar, türli milliy taâmlar, cümladan, sümalak, kök sâmsalar tayyârlaydilar. Yâşlar lapar aytib, raksga tüşadilar.

ança : çok zaman

dehkânçilik : ziraat

tilak : dilek

sâvga : hediye

yâş : genç

Sümalak : Taze buğday taneleri ve undan yapılan Özbek yemeği.

Sâmsa : Açılmış hamura et ve sebze konularak yapılan Özbek yemeği.

kadimiy : eskiden beri gelen

uyganmâk : uyanmak

raksga tüşmâk : oyun oynamak, raksetmek

lapar aytmâk : karşılıklı türkü söylemek

nişânlanmâk : kutlanmak

ATASÖZLERİ:

Бугунги ишни эртага қўйма!
Bugüangi işni ertaga қойма!
Bugünkü işi yarına koyma!

Ойнинг ўн беши қоронғи бўлса, ўн беши
ёруғ.

Аyning on beşi қаранғи bolsa, on beşi yaruğ.
Ayin onbeşi karanlık ise, onbeşi aydınlık.

Бир кунлик йўлга чиқсанг, бир ҳафталик
оziқ ол!

Bir künlik yolga çıksang, bir haftalik âzık âl!
Bir günlük yola çıkarsan, bir haftalık yiyecek al!

Ер ҳайдасанг куз ҳайда, куз ҳайдама-
санг юз ҳайда!

Yer haydasang küz hayda, küz haydamasang yüz
hayda!

Yer sürersen güz sür, güz sürmezsen yüz sür!

Еридан айрилган етти йил йиғлар, эли-
дан айрилган ўлгунча йиғлар.

Yeridan ayrılган yetti yıl yığlar, elidan ayrılган ölgünça
yığlar.

*Yerinden ayrılan yedi yıl ağlar, ilinden (yurdundan) ay-
rılan ölünceye kadar ağlar.*

Ҳали ҳомсан, пишарсан, бу дамингдан
тушарсан.

Hali hâmsan, pişarsan, bu damingdan tüşarsan.
Şimdi hamsın, pişersin, bu kibrinden inersin.

Бу дунё ўтар кетар, юзи қоралик қолар.
Bu dünyâ ötar ketar, yüzi қаралик қалар.
Bu dünya geçer gider, yüzü karalık kalır.

Бугунни ўйлама, эртани ўйла!
Bugünni oylama, ertani oyla!
Bugünü düşünme, yarını düşün!

Бир қалдирғоч билан баҳор бўлмайди.
Bir қалдирғâç bilan bahâr bolmaydi.
Bir kırlangıç ile bahar olmaz.

Ҳеч бўлмаганидан кўра, кеч бўлгани
яхши.

Heç bolmaganidan köra, keç bolgani yahşi.
Hiç olmayana göre, geç olanı iyi.

BİZİM AVLU

ҳовли	: hâvli : <i>avlu</i>
уй	: üy : <i>ev</i>
хона	: hâna : <i>oda</i>
эшик	: eşik : <i>kapı</i>
дарвоза	: darvâza : <i>kapı</i>
девор	: devâr : <i>duvar</i>
дераза	: deraza : <i>pencere</i>
зина	: zina : <i>merdiven, basamak</i>
ертўла	: yertola : <i>kiler</i>
том	: tãm : <i>dam, çatı</i>
шип	: şip : <i>tavan</i>
жавон	: cavon : <i>dolap, yüklük</i>
сандиқ	: sandıq : <i>sandık</i>
парда	: parda : <i>perde</i>
кўрпа	: körpa : <i>yorgan</i>
кўрпача	: körpaça : <i>döşek</i>
ёстиқ	: yâstıq : <i>yastık</i>
гилам	: gilam : <i>halı, kilim</i>
шолча	: şâlça : <i>yünden dokunmuş yolluk</i>
супурги	: süpürgi : <i>süpürge</i>
ойна	: âyna : <i>cam; ayna</i>
кўзгу	: közgü : <i>ayna</i>
дазмол	: dazmâl : <i>ütü</i>
тарок	: tarâk : <i>tarak</i>
сочиқ	: sâçık : <i>havlu</i>
совун	: sâvun : <i>sabun</i>

тиш чўткаси	: tiş çötkasi : <i>diş fırçası</i>
сўри	: söri : <i>tahta yatak, sedir</i>
қайчи	: <u>қ</u> ayçı : <i>makas</i>
арра	: arra : <i>testere</i>
теша	: teşa : <i>küçük balta</i>
болта	: bâlta : <i>balta</i>
болға	: bâlğa : <i>çekici</i>
кетмон	: ketmân : <i>keser</i>
ранда	: randa : <i>rende</i>
парма	: parma : <i>burgu</i>
омбур	: âmbur : <i>kerpeten</i>
мих	: mi <u>h</u> : <i>çivi</i>
қулф	: <u>қ</u> ulf : <i>kilit</i>
калит	: kalit : <i>anahtar</i>
бўёқ	: boyâ <u>қ</u> : <i>boya</i>
дурадгор	: düradgâr : <i>marangoz</i>
ғишт	: ğişt : <i>tuğla</i>
тахта	: ta <u>h</u> ta : <i>tahta</i>
пахта	: pa <u>h</u> ta : <i>pamuk</i>

ЯНГИ ҲОВЛИ

Биз илгари кўп қаватли уйда яшар эдик. Квартирамиз уч хонадан иборат эди. Биз яқинда ховли сотиб олдик. Бизнинг янги ховлимиз Абдулла Қаҳҳор кўчасида жойлашган.

Ҳовлига чиройли эшик орқали кирилади. Эшик ёнида машина кириши учун катта дарвоза ҳам бор. Ҳовлига киришингиз билан беш хонали уйга кўзингиз тушади. Уйнинг томи шифер билан ёпилган. Ҳар бир хона-

нинг алоҳида деразаси бор. Деразаларга пардалар тутилган, дераза ойналари эса тоза. Уйнинг ертўласи ҳам бўлиб, у ерда қишда сабзи, пиёз, картошка ва бошқа маҳсулотлар сақланади. Ертўлага зина орқали тушилади.

Хоналарнинг бирида укам иккаламиз яшаймиз. Бизнинг хонамизга гулдор гилам тўшалган. Иккита каравот қўйилган. Караватда чиройли кўрпа ва ёстиқ бар.

Ҳовлида чиройли гулзор ва мевали дарахтлар ҳам бор. Дарахтлар остига каттагина сўри қўйилган. Ёз ойларида биз ана шу сўрида дам оламиз. Ҳовлимиз оиламининг барча аъзоларига ёқади.

YANGI HĀVLI

Biz ilgari köp qavatli üyda yaşar edik. Kvartiramiz üç hānadan ibārat edi. Biz yaqında hāvli sātib āldik. Bizning yangi hāvlimiz Abdulla Qahhār köčasida cāylaşgan.

Hāvliga çirāyli eşik ārqali kiriladi. Eşik yānida maşina kirişi uçun katta darvāza ham bār. Hāvliga kirişingiz bilan beş hānali üyga közingiz tūşadi. Üyning tāmī şifer bilan yāpılgan. Har bir hānaning alāhida derazasi bār. Derazalarga pardalar tutılgan, deraza āynalari esa tāza. Üyning yertolasi ham bolib, u yerda qişda sabzi, piyāz, kartoşka va bāşqa mahsulātlar saqlanadi. Yertolaga zina ārqali tūşiladi.

Hānalarning birida ükam ikkalamiz yaşaymiz. Bizning hānamizga güldār gilam tōşalغان. İkkita karavāt koyılغان. Karavatda çirāyli kōrpa va yāstıq bar.

Hāvlida çirāyli gülzār va mevali darahtлар ham bār. Darahtлар āstiga kattagina sōri koyılغان. Yāz āylarida biz ana

şu sörida dam âlamiz. Hâvlimiz âilamizning barça a'zâlariga yâkadi.

kvartira : <i>daire</i>	ârkali : <i>üzerinde; yardımıyla</i>
maşina : <i>makina</i>	şifer : <i>kayağan taş</i>
tâza : <i>temiz</i>	alâhida : <i>farklı, hususi</i>
gilam : <i>halı</i>	kattagina : <i>büyükçe</i>
güldâr : <i>güllü</i>	karavat : <i>kerevet, yatak</i>

FİLLER :

тозаламоқ	: tâzalamâk : <i>temizlemek</i>
артмоқ	: artmâk : <i>silmek, kurulamâk</i>
артинмоқ	: artınmâk : <i>silinmek, kurulanmak</i>
қурмоқ	: kurmâk : <i>kurmak</i>
кирмоқ	: kirmâk : <i>girmek</i>
чиқмоқ	: çıkmâk : <i>çıkmaq</i>
кўзи тушмоқ	: közi tüşmâk : <i>gözü takılmak</i>
очмоқ	: açmâk : <i>açmak</i>
ёпмоқ	: yâpmâk : <i>örtmek</i>
тутмақ	: tutmâk : <i>tutmak</i>
тушмоқ	: tüşmâk : <i>inmek</i>
тўшалмоқ	: töşalmâk : <i>döşenmek, serilmek</i>
супурмоқ	: süpürmâk : <i>süpürmek</i>
бўямоқ	: boyamâk : <i>boyamak</i>
безамоқ	: bezamâk : <i>bezemek</i>
кулфланмоқ	: kulflanmâk : <i>kilitlemek</i>
қоқмоқ	: kâkmâk : <i>çakmak</i>
дазмолламоқ	: dazmallamâk : <i>ütülemek</i>

ДИАЛОГЛАР :

Салима, ҳар куни эрталаб ҳовлини супу-
расанми?

Ҳа, мен ҳар куни эрталаб ҳовлини супу-
раман.

Кейин нима қиласан?

Кейин юз-қўлимни юваман, сочиқ билан
яхшилаб артинаман.

Ундан кейин-чи?

Ундан кейин кўзгуга қараб сочларимни
тарайман, дазмолланган кийимларимни кия-
ман ва нонушта қилишга ўтираман.

Отанг ким бўлиб ишлайди?

Отам дурадгор.

Сен отангга ёрдамлашасанми?

Ҳа. Отам эшик, дераза ва бошқа нарса-
ларни ясаганда, мен таҳтани рандалайман,
отам ўлчаб берса, кесаман.

Сизларда қандай дурадгорлик асбоблари
бор?

Бизда барча асбоблар бор. Арра, теша,
ранда, парма, омбур учун махсус кути ҳам
ясаб кўйганмиз. Мих алоҳида кутида туради.

DIALOGLAR :

Salima, har küni ertalab hâvlini süpürasanmi?

Ha, men har küni ertalab hâvlini süpüraman.

Keyin nima қиласан?

Keyin yüz-қолимни yuvaman, saçık bilan yaҳşilab arti-
naman.

Undan keyin-чи?

Undan keyin közgüga қараб saçларимни tarayman, daz-
mállangan kiyimларимни kiyaman va nânuшта қилишга otira-
man.

Ātan kim bolib iřlaydi?

Ātam dūradgār.

Sen ātangga yārdamlařasanmi?

Ha. Ātam eřik, deraza va bāřka narsalarni yasaganda, men tahtani randalayman, ātam olřab bersa, kesaman.

Sizlarda k \underline{a} nday dūradgārlik asbāblari bār?

Bizda barça asbāblar bār. Arra, teřa, randa, parma, ām-bur uęun mařsus k \underline{u} tı ham yasab koyganmiz. Miħ alāhida k \underline{u} tida turadi.

ÇOK KULLANILAN İFADELER :

Янги уй қачан қурилди?

Янги уй бу йил қурилди.

Yangi üy kaçan k \underline{u} rildi?

Yangi üy bu yıl k \underline{u} rildi.

Yeni ev ne zaman kuruldu (yapıldı)?

Yeni ev bu yıl kuruldu (yapıldı).

Уйингиз неча хонадан иборат?

Уйимиз уч хонадан иборат.

Üyingiz neça h \underline{a} nadan ibārat?

Üyimiz üç h \underline{a} nadan ibārat.

Eviniz kaç odadan ibaret (kaç odası var)?

Evimiz üç odadan ibaret (üç odası var).

Ҳовлингиз каттами?

Ҳа, ҳовлимиз катта.

Унда нималар ўсади?

Ҳовлимизда чиройли гуллар, олма, иккита гилас ва узум ўсади.

Hāvlingiz kattami?

Ha, hāvlimiz katta.

Unda nimalar ösadi?
Hâvlimizda çirâyli güllar, âlma, ikkita gilâs va üzüm
ösadi.

Avlunuz büyük mü?

Evet, avlumuz büyük.

Onda neler yetişiyor?

*Avlumuzda güzel çiçekler, elma, iki tane kiraz ve üzüm
yetişiyor.*

ОЗОДА

Озода ўзи кичкина бўлса ҳам, жуда иш-чан киз. У уй ишларини бажаришда онасининг доимий ёрдамчиси.

Озода ҳеч қачон бекор турмайди. У ҳар куни эрталаб барвақт туради. Ҳовлига сув сепади, кейин супурги билан яхшилаб супуради. Гулларнинг тўкилган япроқларини ҳам териб олади. Ёз кунлари сўрига шолча ва кўрпачаларни тўшайди. Чой тайёрлайди.

Онаси уйни тозалаганда, Озода дераза ойналарини артади. Онаси кир йувганда, у сув ташиб беради. Ювилган кийимлар куригач, уларни ўзи дазмоллайди.

Озода ўзининг хонасини ҳам доим озода сақлайди. Унинг хонасидаки кўрпа, ёстик, сочиқ ва бошқа нарсалар доим чиройли туради. Бундай тартиб кишининг ҳавасини келтиради. Бу айниқса Озоданин онасига жуда ёқади. Шунинг учун ҳам у Озодани "озода қизим" деб эркалайди.

ĀZĀDA

Āzāda özi kiçkina bolsa ham, cüda işçan kız. U üy işlerini bacarişda ānasining dāimiy yārdamçisi.

Āzāda heç kaçān bekār turmaydi. U har küni ertalab barvaqt turadi. Hāvliga suv sepadi, keyin süpürgi bilan yahşilab süpüradi. Güllarning tökilgan yaprāklarini ham terib āladi. Yāz künlari söriga şālça va körpaçalarni töşaydi. Çay tayyārlaydi.

Ānasi uyni tāzalaganda, Āzāda deraza āynalarini artadi. Ānasi kir yuvganda, u suv taşib beradi. Yuvilgan kiyimlar kurigaç, ularni özi dazmāllaydi.

Āzāda özining hānasini ham dāim āzāda saklaydi. Uning hānasidaki körpa, yāstıq, sāçık va başka narsalar dāim çirāyli turadi. Bunday tartib kişining havasini keltiradi. Bu aynıkça Āzādanin ānasiga cüda yākadı. Şuning uçun ham u Āzādani "āzāda kızım" deb erkalaydi.

bekār : boş	kiçkina : küçüçük	kurigaç : kuruduktan sonra
iflās : kir	işçan : işsever	bacariş : becerme, yapma
āzāda : temiz	termāq : toplamak	bervakt : vaktinde, vakitli
şālça : yolluk	kir : kir, kirli	erkalamāq : sevmek

ATASÖZLERİ :

Ховли олма, қўшни ол!
Hāvli ālma, қоşni āl!
Avlu(ev) alma, komşu al!

Башаранг қийшик бўлса ойнадан
ўпкалама!

Başarang kıyşık bolsa āynadan öpkalama!
Yüzün kırışık ise aynadan öfkelenme!

Уйинг тор бўлса ҳам, кўнглинг кенг
бўлсин.

Üying tår bolsa ham, köngling keng bolsin.
Evin dar olsa da, gönlün geniş olsun.

Уйида роҳати йўқнинг, кўчада фароғати
йўқ.

Üyida rāhati yoқning, köçada farāğati yoқ.
Evinde rahati olmayanın, sokakta huzuru yok.

Қари бор уйнинг зари бор.

Қarı bår üyning zari bår.

Yaşlı kimse olan evin altını var (demektir).

MUTFAKTA

ошхона	: <i>âşhâna</i> : <i>mutfak, lokanta</i>
идишлар	: <i>idişlar</i> : <i>tabak, fincan vs. eşya</i>
чойнақ	: <i>çâynaқ</i> : <i>çaydanlık</i>
пиёла	: <i>piyâla</i> : <i>sapsız çay fincanı</i>
коса	: <i>kâsa</i> : <i>kâse</i>
ликоп	: <i>likâp</i> : <i>tabak</i>
лаган	: <i>lagan</i> : <i>leğen</i>
патнис	: <i>patnis</i> : <i>çay tepsi</i>
қозон	: <i>kâzân</i> : <i>kazan</i>
капгир	: <i>kapgir</i> : <i>kevgir</i>
чўмич	: <i>çömiç</i> : <i>kerçe</i>
қошиқ	: <i>kâşık</i> : <i>kaşık</i>
пичоқ	: <i>piçâқ</i> : <i>piçak</i>
санчки	: <i>sançki</i> : <i>çatal</i>
озиқ	: <i>âzık</i> : <i>azık</i>
овқат	: <i>âvқat</i> : <i>yemek</i>
таом	: <i>taâm</i> : <i>yemek</i>
гўшт	: <i>göşt</i> : <i>et</i>
гуруч	: <i>gürüç</i> : <i>pirinç</i>
ёғ	: <i>yâğ</i> : <i>yağ</i>
туз	: <i>tuz</i> : <i>tuz</i>
сут	: <i>süt</i> : <i>süt</i>
қаймоқ	: <i>kaymâқ</i> : <i>kaymak</i>
қатиқ	: <i>katık</i> : <i>ekşimiş süttен yapılan yiyecek</i>
пишлоқ	: <i>pişlâқ</i> : <i>süttен yapılan bir yiyecek</i>

нон	: nân : <i>ekmek</i>
чай	: çây : <i>çay</i>
канд	: kand : <i>kesmeşeker</i>
шакар	: şakar : <i>şeker</i>
мураббо	: murabbâ : <i>reçel</i>
музқаймоқ	: muzqaymaq : <i>dondurma</i>
palâv	: palâv : <i>pilav</i>
шўрба	: şorba : <i>çorba</i>
манти	: manti : <i>manti</i>
ун	: un : <i>un</i>
хамир	: hamir : <i>hamur</i>
элак	: elak : <i>elek</i>
кабоб	: kabâb : <i>kebab</i>
ошпаз	: aşpaz : <i>aşçı</i>
ўчоқ	: oçâk : <i>ocak</i>
тандир	: tandir : <i>tandır</i>
гугурт	: gügürt : <i>kibrit</i>
ўтин	: otin : <i>odun</i>
ўт	: ot : <i>ateş</i>

ПАЛОВ ҚАНДАЙ ТАЙЁРЛАНАДИ?

Менинг отам ошпаз. У, айниқса, паловни жуда яхши тайёрлайди. Биз ҳар якшанба кунини уйда палов пиширамиз. Мен ҳам отамга ёрдам бераман. Отам сабзи, пиёз ва гўшти тўғрагунча мен ўтин олиб келаман. Қозонни ювиб, ўчоққа ўт ёқаман. Отам қозонга ёғ қуяди. Ёғ қизигач, пиёз билан гўшт қовурилади. Сўнгра сабзи солиниб, яна қовурилади. Улар капгир билан аралаштирилиб турилади. Бу пайтда мен гуручни тозалаб, ювиб, ивитиб қўяман.

Гўшт билан сабзи етарли даражада қовурилгач, отам қозонга сув қуяди. У овқатнинг тузини кўришни ҳам эсдан чиқармайди. Маълум вақтдан кейин гуруч солади.

Қозондаги сувни гуруч ўзига сингдириб олганидан кейин палов дамланади. Ярим соатда палов тайёр бўлади. Мен лаганни келтираман. Отам паловни сузади. Оиламизнинг барча аъзолари отам билан менга раҳмат айтиб, паловни иштаҳа билан ейишади.

PALĀV QANDAY TAYYĀRLANADI?

Mening ātam āşpaz. U, ayniqsa, palāvni cūda yahşi tayyārlaydi. Biz har yakşanba kuni ūyda palāv pişiramiz. Men ham ātamga yārdam beraman. Ātam sabzi, piyāz va gōştни toğragünça men otin ālib kelaman. Kāzānni yuvib, oçākka ot yākaman. Ātam kāzānga yāğ kuyadi. Yāğ kızıgaç, piyāz bilan gōşt kāvuriladi. Songra sabzi sālınıb, yana kāvuriladi. Ular kapgir bilan aralaştirilib turiladi. Bu paytda men gürüç-ni tāzalab, yuvib, ivitib koyaman.

Gōşt bilan sabzi yetarli daracada kāvurilgaç, ātam kāzānga suv kuyadi. U āvqatning tuzini kōrişni ham esdan çıkarmaydi. Ma'lum vaqtdan keyin gürüç sāladi.

Kāzāndagi suvni gürüç ōziga singdirib ālganidan keyin palāv damlanadi. Yarım sātda palāv tayyār boladi. Men laganni keltiraman. Ātam palāvni sūzadi. Āilamizning barça a'zālari ātam bilan menga rahmat aytib, palāvni iştaha bilan yeyişadi.

toğragünça : *doğrayınca*
kızıgaç : *kızdıktan sonra*

esdan çıkarmak : *unutmak*
rahmat aytmak : *teşekkür etmek*

FİLLER :

ювмоқ	: yuvma <u>q</u> : yıkamak
артмоқ	: artma <u>q</u> : silmek, kurulamak
кесмоқ	: kesma <u>q</u> : kesmek
емоқ	: yema <u>q</u> : yemek
ичмоқ	: içma <u>q</u> : içmek
қовурмоқ	: <u>k</u> avurma <u>q</u> : kavurmak
қайнатмоқ	: <u>k</u> aynatma <u>q</u> : kaynatmak
сузмоқ	: süzma <u>q</u> : süzmek
пиширмоқ	: pişirma <u>q</u> : pişirmek
ёқмоқ	: ya <u>q</u> ma <u>q</u> : yakmak
тўғрамоқ	: to <u>ğ</u> rama <u>q</u> : doğramak
қуймоқ	: <u>k</u> uyma <u>q</u> : içine koymak
қизимоқ	: <u>k</u> izima <u>q</u> : kızmak
ивитмоқ	: ivitma <u>q</u> : suda bekletip yumuşatmak
солмоқ	: s <u>ı</u> lma <u>q</u> : içine bırakmak
сингмоқ	: singma <u>q</u> : sinmek
аралаштирмоқ	: arala <u>ş</u> tirma <u>q</u> : karıştırmak

ДИАЛОГЛАР

Чой ичасизми?

Йўқ, раҳмат, мен ҳали овқатланишим йўқ.

Унда нима ейсиз?

Кечирасиз қандай овқатлар бор?

Палов билан шўрба тайёр, бир оздан кейин манти ҳам пишади.

Мен мантининг пишишини кутаман.

Отангиз ким бўлиб ишлайди?

Отам, ошпаз.

У киши қаерда ишлайди?

Отам завод ошхонасида ишлайди.

Мен идишларни ювишда онамга ёрдам бераман. Сен-чи Нигора?

Мен ҳам ёрдам бераман.

Синглин-чи?

Синглим ҳам ёрдам беради. У ювилмаган лycopларни синдириб туради.

Сенинг онанг бу йил мураббо пиширди-ми?

Ҳа, пиширди.

Нималардан пиширди?

Ёзда кулупнай ва ўрикдан пиширган эди. Кузда олма ва беҳидан пиширди.

DIALOGLAR:

Çay içasizmi?

Yok, rahmat, men hali âvkatlanışim yok.

Unda nima yeysiz?

Keçirasiz қanday âvkatlar bâr?

Palâv bilan şorba tayyâr, bir âzdan keyin manti ham pişadi.

Men mantining pişişini kütaman.

Âtangiz kim bolib işlaydi?

Âtam, âşpaz.

U kişi қayerda işlaydi?

Âtam zavâd âşhânasida işlaydi.

Men idişlarni yuvişda ânamga yârdam bera-
man. Sen-çi Nigâra?

Men ham yârdam beraman.

Singlin-çi?

Singlim ham yârdam beradi. U yuvilmagan likâplarni sindirib turadi.

Sening ânang bu yıl murabbâ pişirdimi?

Ha, pişirdi.

Nimalardan pişirdi?

Yâzda kulupnay va örükdan pişirgan edi. Küzda âlma va behidan pişirdi.

rahmat : *teşekkür ederim*

zavâd : *fabrika, değirmen*

keçirasiz : *affedersiniz*

sindirmâk : *kırmak*

ÇOK KULLANILAN İFADELER :

Сиз қаерда нонушта (тушлик, кечки овқат) қиласиз?

Биз ошхонада нонушта (тушлик, кечки овқат) қиламиз.

Siz қayerda nânuşta (tuşlik, keçki âvқat) қilasiz?

Biz âşhânada nânuşta (tuşlik, keçki âvқat) қilamiz.

Siz nerde kahvaltı ediyorsunuz (öğle yemeği, akşam yemeği iyiyorsunuz)?

Biz lokantada kahvaltı ediyoruz (öğle yemeği, akşam yemeği iyiyoruz).

Сиз қандай ўзбек миллий таомларини биласиз?

Мен палов, манти, сомса, лағман каби ўзбек миллий таомларини биламан.

Siz қандай özbek milliy taâmlarini bilasiz?

Men palâv, manti, sâmsa, lağman kabi özbek milliy taâmlarini bilaman.

Siz hangi Özbek millî yemeklerini biliyorsunuz?

Ben pilav, mantı, samsa, lağman gibi Özbek millî yemeklerini biliyorum.

Илтимос менга бир коса шўрба берсангиз?

Марҳамат!

İltimâs menga bir kâsa şorba bersangiz?

Marhamat!

Lütfen bana bir kâse çorba verir misiniz?

Buyurun!

Салим, қаерда тушлик қиламиз?

Навоий кўчасидаги ошхонада.

Salim, qayerda tuşlik qilamiz?

Navâiy köçasidagi oşhânada.

Selim, *nerde öğle yemeği yiyeceğiz?*

Nevâî caddesindeki lokantada.

Тушлик тайёрми?

Қорнинг очми?

Ҳа, оч қалдим.

Мана, пишлок билан нон, еб тур.

Tuşlik tayuarmi?

Qarning oçmi?

Ha, oç qaldim.

Mana, pişlâk bilan nân, yeb tur.

Öğle yemeği hazır mı?

Karnın aç mı?

Evet acıktım.

İşte pişlak'la ekmek, yeyip dur.

KŪK SOMSA

Баҳор келиши билан турли-туман ўт-ўланлар кўкара бошлайди. Улар орасида инсон ўрганизми учун зарур бўлган витаминларга бой кўкатлар ҳам кўп. Шундай кўкатларни ейиш жуда фойдали. Ўзбекистонда мана шундай кўкатлардан сомса пишириш одатга айланган. Баҳорнинг илк кунларидаёқ болалар шундай кўкатларни териш учун далаларга чиқадилар. Улар келтирган кўкатларни оналар тозалайдилар, ювадилар ва майдалайдилар. Шундан кейин кўк сомса тайёрланади. Шундай сомса, одатда, тандирга ёпилади.

Баъзан кўкатлар қўшилган нон ҳам ёпилади. Бунда бола-лар учун махсус кулчалар ҳам қилинади.

KÖK SÂMSA

Bahâr keliŝi bilan türli-tüman ot-olanlar kökara başlaydi. Ular ârasida insân organizmi uçun zarur bolgan vitaminlarga bây kökatlar ham köp. Ŗunday kökatlarni yeyiŝ cüda fâydali. Özbekistânda mana ŝunday kökatlardan sâmsa piŝiriŝ âdatga aylangan. Bahârning ilk künlaridayâk bâlalar ŝunday kökatlarni teriŝ uçun dalalarga çikadilar. Ular keltirgan kökatlarni ânalar tâzalaydilar, yuvadilar va maydalaydilar. Ŗundan keyin kök sâmsa tayyârlanadi. Ŗunday sâmsa, âdatda, tandirga yâpiladi.

Ba'zan kökatlar koŝilgan nân ham yâpiladi. Bunda bâlalar uçun maᖁsus külçalar ham kilnadi.

bây : *zengin*
dala : *tarla*

türli-tüman : *çeŝit çeŝit*
ot-olanlar : *her türliü otlar*

nân : *ekmek* yâpmâk : *tandıra yapıştırıp pişirmek*
koşmak : *ilâve etmek* külça : *küçük yuvarlak ekmek*

ATASÖZLERİ:

Қозонда бўлса, чўмичга чиқар.
Qazânda bolsa, çömiçga çıkar.
Kazanda varsa kerçeye çıkar.

Сиҳат тиласанг, кўп ема; иззат тиласанг,
кўп дема!

Sihat tilasang, köp yema; izzat tilasang, köp dema!
Sihhat dilersen çok yeme; izzet dilersen çok deme!

Аччиқ билан чуччикни, тотган билур;
узоқ билан яқинни, юрган билур.

Aççık bilan çüççikni, tâtgan bilür; uzâk bilan yakınni,
yürgän bilür.

Acı ile tatlıyı, tadan bilir; uzak ile yakını, yürüyen bilir.

Тўяр ошни кўз танийди, ошнони кўнгил
танийди.

Toyar âşni köz tanıydı, âşnâni köngil tanıydı.
Toyacağı aşı göz tanır, âşinâyı gönül tanır.

Меҳмонга ош қўй, икки қўлини бўш қўй!
Mehmânga âş koy, ikki kolini boş koy!
Misafire aş koy, iki elini boş koy (iş buyurma)!

Нон емоқчи бўлсанг, ўтин ташишдан
эринма!

Nân yemâkçi bolsang, otın taşışdan erinma!
Ekmek yemek istiyorsan, odun taşımaktan erinme!

Ошинг ҳалол бўлса кўчада ич!
Aşing halâl bolsa köçada iç!
Aşın helâl ise sokakta iç!

Сих ҳам куймасин, кабоб ҳам.
Siḥ ham küymasin, kabâb ham.
Şiş de yanmasın, kebar da.

Бўш қоп тик турмас.
Boş kâp tik turmas.
Boş kap dik durmaz.

Оч қоринга аччиқ саримсоқ.
Aç kârına aççık sarımsâk.
Aç karna, acı sarımsak.

Қорни тўқнинг қорни очдан хабари йўқ.
Kârni tokning kârni açdan habari yok.
Karnı tokun, karnı açdan haberi yok.

Очлик нималарни едирмайди, тўқлик
нималарни дедирмайди.
Açlık nimalarni yedirmaydi, toklik nimalarni
dedirmaydi.
Açlık neleri yedirmez, tokluk neleri dedirmez.

OKUL

мактаб	: maktab : <i>okul</i>
синф	: sınıf : <i>sınıf</i>
дарс	: dars : <i>ders</i>
синфхона	: sınıfhâna : <i>sınıf odası</i>
ўқитувчи	: okıtuvçı : <i>okutucu, öğretmen</i>
ўқувчи	: okuvçı : <i>okuyucu, öğrenci</i>
навбатчи	: navbatçı : <i>nöbetçi</i>
бадантарбия	: badantarbiya : <i>beden eğitimi</i>
дарс жадвали	: dars cadvali : <i>ders programı</i>
эълон	: e'lân : <i>ilan</i>
деворий газета	: devâriy gazeta : <i>duvar gazetesi</i>
бўр	: bor : <i>tebeşir</i>
латта	: latta : <i>kumaş parçası</i>
харита	: harita : <i>harita</i>
қўнғирок	: <u>konğırâk</u> : <i>çingırak, zil</i>
тўгарак	: tögarak : <i>daire, grup</i>
синф журнали	: sınıf jurnali : <i>sınıf gazetesi</i>
кўрсаткич	: körsatkiç : <i>gösterici</i>
танаффус	: tanaffüs : <i>teneffüs</i>
имтиҳон	: imtihân : <i>imtahan</i>
баҳо	: bahâ : <i>not</i>
ўқув қураллари	: okuv kurallari : <i>okuma kuralları</i>
китоб	: kitâb : <i>kitab</i>
дафтар	: daftar : <i>defter</i>
кундалик	: kündalik : <i>her günlük</i>

ҚОҒОЗ	: <i>kâğâz : kâğıt</i>
ЧИЗҒИЧ	: <i>çizğič : cetvel</i>
ЎЧИРҒИЧ	: <i>öçirğič : silgi</i>
ДАРСЛИК	: <i>darslik : ders kitabı</i>
ЛУҒАТ	: <i>luğat : sözlük, lüğat</i>
АЛИФБЕ	: <i>alifbe : alfabe</i>
МАҚТОВ ЁРЛИГИ	: <i>maqtâv yârligi : iftihar belgesi</i>
БАЙРОҚ	: <i>bayrâk : bayrak</i>
КУТУБХОНА	: <i>kütübhâna : kütüphâne</i>
КУТУБХОНАЧИ	: <i>kütübhânaçi : küphâneci</i>
КИТОБХОН	: <i>kitâbhân : okuyucu</i>
ЎҚУВ ЗАЛИ	: <i>oқuv zali : okuma salonu</i>
ҚАЛАМ	: <i>kalam : kalem</i>
СИЙОҲ	: <i>siyâh : mürekkep</i>
СИЙОҲДОН	: <i>siyâhdân : hokka</i>
РУЧКА	: <i>rüçka : dolmakalem</i>
ҚАЛАМДОН	: <i>kalamdân : kalem kutusu</i>
ҚАЛАМТАРОШ	: <i>kalamtarâş : kalemтираş</i>
ҲАРФ	: <i>harf : harf</i>
СЎЗ	: <i>söz : kelime</i>
ГАП	: <i>gap : cümle</i>
РАҚАМ	: <i>raқam : rakam</i>
ЁЗУВ	: <i>yâzuv : yazı</i>
ХАТО	: <i>hatâ : hatâ</i>
ЎЗБЕК ТИЛИ	: <i>özbek tili : Özbek dili</i>
АДАБИЁТ	: <i>adabiyât : edebiyat</i>
МАТЕМАТИКА	: <i>matematika : matematik</i>
ФИЗИКА	: <i>fizika : fizik</i>
ХИМИЯ	: <i>hımiya : kimya</i>
ТИНИШ БЕЛГИЛАРИ	: <i>tiniş belgilari : durma işaretleri</i>
НУҚТА	: <i>nuқта : nokta</i>
ВЕРГУЛ	: <i>vergül : virgül</i>

кўштирноқ	: <u>koştirnaқ</u> : <i>tirnak işareti</i>
сўроқ белгиси	: <u>sorâқ</u> belgisi : <i>soru işareti</i>
ундов белгиси	: <u>ündâv</u> belgisi : <i>ünlem işareti</i>
икки нуқта	: <u>ikki nuқta</u> : <i>iki nokta</i>
нуқтали вергул	: <u>nuқtali</u> vergül : <i>noktali virgöl</i>
кўп нуқта	: <u>köp nuқta</u> : <i>çok nokta</i>
тире	: <u>tire</u> : <i>tire</i>
қавс	: <u>қavs</u> : <i>parantez</i>

БИЗНИНГ МАКТАБ

Мен Ойбек номидаги ўрта мактабда ўқийман. Мактабимиз Максим Горкий кўчасида. Мактабимиз биноси тўрт қаватли. Синфхоналар кенг ва ёруғ.

Бионинг биринчи қаватида кутубхона, ошхана, спўрт зали, ўқитувчилар хонаси жойлашган. Пионерлар хонаси эса иккинчи қаватда. Бизнинг синфхонамиз ҳам шу қаватда жойлашган. Синфимизда 30 ўқувчи бор. Синф бурчагида уларнинг фамилялари ва исмлари ёзилган. Эшикнинг чоп томонида эса синфимизнинг деворий газетаси осиб қўйилган. Унинг ёнида дарс жадвали, навбатчи ўқувчиларнинг рўйхати бор.

Навбатчи ўқувчи мактабга эртароқ келади. У дўскани латта билан артиб, бўрни тайёрлаб кўяди, синфхонани тартибга келтиради.

Синфимиз ўқувчилари фақат "яхши" ва "аъло" баҳоларга ўқиш учун ҳаракат қилдилар. Уларнинг кўпи "Мақтов ёрлиқлари" билан мукофотланган.

Биз айниқса, ўзбек тили, адабиёт, математика, физика, химия каби фанларни яхши кўрамиз. Бу фанларни ўқутадиган ўқитувчилар дарсларни жуда қизиқарли ўтадилар. Ўзбек тили дарсларини ўзбек тили каби-нетида ўтамиз.

Бу кабинетда ўзбек шоир ва ёзувчиларининг портретлари, уларнинг асарлари, ўзбек тили қоидаларига доир кўرғазмали қуроллар, турли луғатлар ва бошқа ўқув материаллари бор. Улар бизга ўзбек тилини яхшироқ ўрганишимизда ёрдам беради.

Мактабимиз ҳовлиси ҳам катта. Унда жуда чиройли гулзор, ҳар хил мевали дарахтлардан иборат боғ ҳам бор. Бу дарахтларни ўқувчиларнинг ўзлари парвариш қиладилар.

Биз ўз мактабимизни севамиз.

BIZNING MAKTAB

Men Aybek nomidagi orta maktabda o'qiyman. Maktabimiz Maksim Gorkiy ko'chasida. Maktabimiz binasi to'rt qavatli. Sinfhonalar keng va yaruq.

Binaning birinchi qavatida kutubhona, ashana, sport zali, o'qituvchilar honasini aylagan. Pioneerlar honasini esa ikkinchi qavatda. Bizning sinfhamiz ham shu qavatda aylagan. Sinfimizda 30 o'quvchi bor. Sinf burçagida ularning familalari va ismlari yozilgan. Eshikning chap tomonida esa sinfimizning devoriy gazetasi asib qoyilgan. Uning yonida dars jadvali, navbatchi o'quvchilarning royxati bor.

Navbatchi o'quvchi maktabga ertarak keladi. U doskani latta bilan artib, borni tayyarlav qoyadi, sinfhonani tartibga keltiradi.

Sınıfimiz okuvçilari faqat "yahşi" va "a'lå" bahålarga okıř uqun harakat kıladilar. Ularning köpi "Maktåv yårlık-lari" bilan mükåfåtlangan.

Biz aynıkısa, özbek tili, adabiyåt, matematika, fizika, hi-miya kabi fanlarni yahşi köramiz. Bu fanlarni okutadigan okıtuvçilar darslarni cüda kızıkarli ötadilar.

Özbek tili darslarini özbek tili kabinetida ötamiz.

Bu kabinetda özbek řåir va yåzuvçilarining portretlari, ularning asarlari, özbek tili kåidalariga dåir körgazmalı ku-rållar, türli luğatlar va başka okuv materiallari bår. Ular biz-ga özbek tilini yahşiråk örganiřimizda yårdam beradi.

Maktabimiz håvlisi ham katta. Unda cüda qiråyli gülzår, har hıl mevali darahtlardan ibårat bağ ham bår. Bu daraht-larni okuvçilarning özlari parvariř kıladilar.

Biz öz maktabimizni sevamiz.

kavat : *kat*

keng : *geniř*

qap : *sol*

tamån : *taraf*

doska : *karatahta*

kabinet : *kabin*

yåruğ : *aydınlık*

burqak : *köře*

pioner : *öncü*

royhat : *liste*

yårlık : *belge*

körgazma : *sergi*

nåmidagi : *adındaki*

sport zali : *spor salonu*

ertaråq : *daha erken*

gülzår : *çiçek bahçesi*

maktåv : *övünq, iftihar*

yahşiråk : *daha iyi*

FİLLER:

ўқимок

: okımåq : *okumak*

ёзмок

: yåzmåq : *yazmak*

чизмок

: qizmåq : *çizmek*

тузмок

: tüzmq : *düzmek, düzenlemek*

тартибга

: tartibga keltirmåq : *düzenlemek*

келтирмок

ўрганмок

: örganmq : *öğrenmek*

тушунтирмок

: tüşüntirmåq : *düşündürmek*

сўрамок

: soramåq : *sormak*

жавоб бер.	: cavâb bermâk : <i>cevap vermek</i>
имтиҳон	: imtihân tâpşirmâk : <i>imtahan olmak</i>
топширмак	
баҳо олмоқ	: bahâ âlmâk : <i>not almak</i>
мақтамоқ	: maqtamâk : <i>öğünmek, iftihar etmek</i>
гапирмоқ	: gapirmâk : <i>konuşmak</i>
такрорламоқ	: takrârlamâk : <i>tekrarlamak</i>
таржима	: tarcima kilmâk : <i>tercüme etmek</i>
килмоқ	
чалинмоқ	: çalınmâk : <i>çalınmak</i>
тайёрламоқ	: tayyârlamâk : <i>hazırlamak</i>
шуғулланмоқ	: şuğullanmâk : <i>meşgul olmak</i>
ўчирмоқ	: oçirmâk : <i>soldurmak</i>
парвариш	: parvariş kilmâk : <i>bakıp korumak</i>
қилмоқ	
қатнашмоқ	: katnaşmâk : <i>katılmak, devam etmek</i>
кутмоқ	: küt mâk : <i>beklemek</i>
тугамоқ	: tügamâk : <i>bitmek</i>
топширмак	: tâpşirmâk : <i>eline vermek</i>

ДИАЛОГЛАР:

Баҳодир, сен бугун кутубхонага борасанми?

Ҳа, бораман. Сен-чи?

Мен ҳам бораман. Менга ўзбекча-русча лугат керак.

Унда бирга борамиз. Дарсдан кейин сени кутиб тураман.

Яхши келишдик.

Сергей, ўзбек тилида гапира оласанми?

Йўқ, ҳали яхши гапира олмайман. Мен ўзбек тилини энди ўргана бошладим.

Ўзбек тилини ўрганиш учун нима қиляпсан?

Ўзбек тили дарсларига актив қатнашяпман, янги сўзларни дафтаримга ёзиб боряпман. Яқинда ўзбекча-русча луғат ҳам сотиб олдим.

Сенга кимлар ёрдам беряпти?

Менга ўзбек тили ўқитувчимиз Эргаш Каримўвич, сизларнинг синфингиздаги Акрам ёрдам беряпти. Мен улардан миннатдорман.

Дарсга киришга қўнғироқ чалиндими?

Йўқ, ҳали танаффус тугагани йўқ.

Қўнғироқ чалинишга 5 (беш) минут бор.

Унда математика дафтарингни бериб тур.

Ўчирғичинг борми?

Йўқ.

Нега ўчирғич олиб юрмайсан?

Мен хато ёзмайман-да.

DIALOGLAR:

Bahadır, sen bugün kütübhanaya bārasanmi?

Ha, bāraman. Sen-çi?

Men ham bāraman. Menga özbekça-rusça lu-gat kerak.

Unda birga bāramiz. Darsdan keyin seni kütib turaman.

Yaḥşi kelişdik.

Sergey, özbek tilida gapira âlasanmi?

Yok, hali yahşi gapira âlmayman. Men özbek tilini endi örgana bâşladim.

Özbek tilini örganiş uçun nima kilyapsan?

Özbek tili darslariga aktiv katnaşyâpman, yangi sözlarni daftaringa yâzib bâryapman. Yakında özbekça-rusça luğat ham sâtib âldim.

Senga kimlar yârdam beryapti?

Menga özbek tili oқituvçimiz Ergaş Karimoviç, sizlarning sinfingizdagi Akram yârdam beryapti. Men ulardan minnatdârman.

Darsga kirişga konğırâk çalindimi?

Yok, hali tanaffüs tügagani yok.

Konğırâk çalinişga 5 (beş) minut bâr.

Unda matematika daftaringni berib tur.

Öçirğicing bârmi?

Yok.

Nega öçirğic âlib yürmaysan?

Men hatâ yâzmayman-da.

ÇOK KULLANILAN İFADELER:

Рустам, марҳамат, сен доскага чик!

Rüstam, marhamat, sen doskaga çik!

Rüstem, buyur sen tahtaya çik(kalk)!

Байрамга деворий газета
чиқардингизми?

Ха, газета чиқардик.

Bayramga devâriy gazeta çikardingizmi?

Ha, gazeta çikardik.

Bayrama duvar gazetesi çıkardınız mı?

Evet, gazete çıkardık.

Лола, сен адабиётдан имтиҳон топширддингми?

Ҳа, "5" га топширдим.

Ўзинг-чи?

Мен ҳам топширдим. Факат "4" баҳо олдим.

Lâla, sen adabiyâtdan imtihân tâpşırdingmi?

Ha, "5" ga tâpşırdim.

Özing-çi?

Men ham tâpşırdim. Fakat "4" bahâ âldim.

Lâle, sen edebiyattan imtihan oldun mu?

Evet, "5" e oldum (5 aldım).

Ya kendin (ne yaptın)?

Ben de oldum. Yalnız "4" numara aldım.

Сўрок гап охирига қандай тиниш белгиси қўйилади?

Сўрок гап охирига "сўрок белгиси" қўйилади.

Sorâk gap âhiriga қандай tiniş belgisi қoyiladi?

Sorâk gap âhiriga "sorâk belgisi" қoyiladi.

Soru cümlesi sonuna hangi durma işareti koyulur?

Soru cümlesi sonuna "soru işareti" koyulur.

Сизде ўзбекче-русча сўзлашув китоби борми?

Ҳа, бор.

Sizde özbekçe-rusça sözlaşuv kitâbi bârmi?

Ha, bâr.

Sizde Özbekçe-Rusça konuşma kitabı var mı?

Evet, var.

КУТУБХОНА

Кутубхонани билмайдиган бола бўлмаса керак. Албатта, ҳозир китобсиз бирорта ҳам хонадон йўқ. Хонадонлардаги кутубхоналар шахсий кутубхона, махсус ташкил этилганлари эса давлат кутубхонаси дейилади. Бизга энг яхши тониш бўлгани эса мактаб кутубхонасидир. Унда дарслик ва ўқув китобларидан ташқари газета ва журналлар, бадиий, илмий ҳамда оммавий-сиёсий адабиётлар ҳам бор.

Мактаб кутубхонасида топилмайдиган баъзи китобларни болалар кутубхонасидан топиш мумкин.

Ўзбекистондаги энг катта кутубхона Тошкент шаҳрида. Унга Алишер Навоий номи берилган.

Бу ерда тўрт миллион нусхадан ортиқ китоблар сақланади. Кутубхонага барча иттифоқдош республикалардан, шунингдек, чет эллардан ҳам китоблар келиб туради. Шунинг учун ҳам у ерда ўзбек, тожик, рус, украин тилларидаги китоблар билан бирга инглиз, немис, араб, испан, форс тилларидаги китобларни ҳам ўқиш мумкин.

KÜTÜBHANA

Kütübhanani bilmaydigan bala bolmasa kerak. Albatta, hâzir kitâbsiz birârta ham hânadân yok. Hânadânlardagi kütübhanalar şahsiy kütübhana, maḥsus taşkil etilganlari esa davlat kütübhanasi deyiladi. Bizga eng yaḥşi tâniş bolgani

esa maktab kütübhanasidir. Unda darslik va oquv kitablari-
dan taşkari gazeta va jurnallar, badiiy, ilmiy hamda amma-
viy-siyâsiy adabiyâtlar ham bär.

Maktab kütübhanasida tãpilmaydigan ba'zı kitablarni
bälalar kütübhanasidan tãpiş mümkün.

Özbekistândagi eng katta kütübhana Tãşkent şahrida.
Unga Alişer Navâiy nâmi berilgan.

Bu yerda tört million nüshadan ârtık kitâblar saklanadi.
Kütübhanaga barça ittifaqdâş respublikalardan, şuningdek,
çet ellardan ham kitâblar kelib turadi. Şuning uçun ham u
yerda özbek, tãcık, rus, ukrain tillaridagi kitâblar bilan
birga ingliz, nemis, arab, ispan, fãrs tillaridagi kitablarni
ham oқиş mümkün.

nemis : *Alman*

ârtık : *fazla*

tãpiş : *bulmak*

ammaviy : *umumî*

çet : *yabancı, uzak*

hãnadân : *ev, aile*

barça : *bütün, hep*

deyilmâk : *denilmek*

taşkari : *dışarı, başka*

badiiy : *sanatla ilgili*

egallamâk : *ele geçirmek*

el : *memleket, halk*

ATASÖZLERİ:

Аввал ўйла, кейин сўйла!

Avval oyla, keyin söyla!

Önce düşün, sonra söyle!

Илмни меҳнатсиз эгаллаб бўлмас.

İlmi mehnatsiz egallab bolmas.

İlmi sıkıntısız elde etmek olmaz.

Ўқиган ўғил, отадан улуг.

Oқıgan oğıl, âtadan uluğ.

Okuyan oğul, babadan büyük.

Билмаганни сўраб ўрганган олим;
орланиб сўрамаган ўзига золим.

Bilmaganni sorab örgangan âlim; ârlanib soramagan
öziga zâlim.

*Bilmediğini sorub öğrenen alim; arlanıp sormayan
kendine zalim.*

Бола азиз, одоби ундан азиз.

Bâla aziz, âdâbi undan aziz.

Çocuk aziz, terbiyesi ondan aziz.

Нодон сўзлар, доно ибрат олар.

Nâdân sözlär, dâna ibrat âlar.

Ahmak söyler, akıllı ibret alır.

Айтувчи аҳмоқ бўлса, тинглавчи доно
бўлиши керак.

Aytüvçi ahmâk bolsa, tinglavçi dâna bolışı kerak.

*Söyleyici ahmak olursa, dinleyicinin akıllı olması
gerek.*

Ўз дўстим деб сир айтма, дўстингнинг
ҳам дўсти бор.

Öz dostim deb sır aytma, dostingning ham dosti bâr.

Öz dostum deyip sır söyleme, dostunun da dostu var.

Ишанмагин дўстинга, сомон тикар
пўстинга.

İşanmagin dostinga, sâmân tıkar postinga.

Inanma dostuna, saman doldurur postuna.

SANAT ALEMİNDE

мусика	: <i>müsika : müzik</i>
саҳна	: <i>sahna : sahne</i>
томоша	: <i>tâmâşa : oyun, sahne eseri</i>
томошабин	: <i>tâmâşabin : seyirci</i>
томоша зали	: <i>tâmâşa zali : oyun salonu</i>
рассом	: <i>rassâm : ressam</i>
мўйқалам	: <i>moykalam : fırça</i>
бўёқ	: <i>boyâk : boya</i>
расм	: <i>rasm : resim</i>
кўргазма	: <i>körgazma : sergi</i>
ҳайкал	: <i>haykal : heykel</i>
ҳайкалтарош	: <i>haykaltarâş : heykeltıraş</i>
ашула	: <i>aşula : şarkı</i>
қўшиқ	: <i>koşık : türkü</i>
масқарабаз	: <i>masharabaz : palyaço</i>
дор	: <i>dâr : arasına ip gerilmiş direkler</i>
дорбоз	: <i>dârbâz : cambaz</i>
қўғирчоқ	: <i>koğırçâk : kukla</i>

МУЛТФИЛЬМ

Залда чироқ ўчади. Экранда гўзал ве
ажоиб қаҳрамонлар пайдо бўлади. Бу қаҳ-
рамонлар болаларга таниш. Улар орасида
томда яшавчи Карлсон, кўркмас Қизил
Шапкача, доно Насриддин Афанди, тимсоҳ
Гена, кўпол Айиқ, айёр Тулки, епчил Қуён
ва машҳур Бўрилар, айниқса, жуда севим-

ли. Экрандаги расм ва қўғирчоқлар худди одамлардай гапирадилар, йиғлайдилар, куладилар. Лекин бу ҳеч кимни ажаблантир-майди. Чунки биз мултфилмда ҳамма нарса бўлиши мумкинлигига ўрганиб қалганмиз. Буларнинг қандай яратилишини кўпчилик билмайди.

Мултфилмлар икки хил йўл билан яратилади. Айрим мултфилмлар қўғирчоқлар ёрдамида суратга олинади. Расмлар асосида яратилган мултфилмлар эса кенг тарқалган. Расмли мултфилмларда рассом кўп меҳнат қилади. Чунки қаҳрамоннинг бир қадам ташлаши ёки кўзини юмуб-очиши учун бир неча ўнлаб расм тайёрлаш керак. Шундай экан, ўн минутли бир мултфилм учун қанча расм тайёрлаш кераклигини тасаввур мумкин. Бунга тахминан бир юз ўн мингта расм зарур бўлади. Бу бир кишининг қўлидан келадиган иш эмас. Шунинг учун мултфилм тайёрлашда рассомлар группаси иштирок этади. Томошабинлар бунни билмайдилар ҳам. Аммо бу мултфилмлар болаларга жуда ёқади. Улар телевизор экранларида мултфилм берилишини арзиқиб кутадилар.

MULTFILM

Zalda çirâk öçadi. Ekranда gözal ve acâib kahramânlar paydâ boladi. Bu kahramânlar bâlalarga tanîş. Ular ârasida tâmda yaşavçi Karlson, korkmas Kızıl Şapkaça, dâna Nasriddin Afandi, timsâh Gena, köpâl Ayık, ayyâr Tülki,

yepçil Kuyân va maşhur Börilar, aynıksa, cüda sevimli. Ekrandagi rasm va koğırçâklar huddi âdamlarday gapiradilar, yığlaydilar, küladilar. Lekin bu heç kimni acablantirmaydi. Çünki biz multfilmda hamma narsa bolişi mümkinligiga örganib kalganmiz. Bularning kanday yaratılışını köpçilik bilmaydi.

Multfilmlar ikki hıl yol bilan yaratiladi. Ayrım multfilmlar koğırçâklar yârdamida suratga âlnadi. Rasmlar asâsida yaratılğan multfilmlar esa keng tarqalgan. Rasmlı multfilmlarda rassâm köp mehnat kıladi. Çünki kahramânning bir kadam taşlaşi yâki közini yumub-âçışi uçun bir neça onlab rasm tayyârlaş kerak. Şunday ekan, on minutli bir multfilm uçun kança rasm tayyârlaş kerakligini tasavvur mümkin. Bunga tahminan bir yüz on mingta rasm zarur boladi. Bu bir kişining kolidan keladigan iş emas. Şuning uçun multfilm tayyârlaşda rassâmlar gruppasi iştirâk etadi. Tâmaşabinler buni bilmaydilar ham. Ammâ bu multfilmlar bâlalarga cüda yâkadi. Ular televizor ekranlarida multfilm berilişini arzıķıb kütadilar.

köpâl : *kaba*

taşlamâk : *atmak*

onlab : *onlarca*

çirâk : *lamba, ışık*

öçmâk : *sönmek*

kança : *ne kadar*

multfilm : *çizgifilim*

televizor : *televizyon*

mingta : *bin tane*

FİLLER:

чалмоқ

: çalmâk : *çalmak*

тингламоқ

: tinglamâk : *dinlemek*

томоша қилмоқ

: tâmaşa kılmâk : *seyretmek*

ашула айтмоқ

: aşula aytmâk : *şarkı söylemek*

яратмоқ

: yaratmâk : *yapmak, icad etmek*

суратга олмоқ

: suratga âlmâk : *fotğraf çekmek*

тасаввур қилмоқ

: tasavvur kılmâk : *tasavvur et.*

иштирок этмоқ

: iştirâk etmâk : *katılmak*

ижро этмоқ	: icrâ etmâk : <i>icra etmek</i>
чапак чалмоқ	: çapak çalmâk : <i>alkışlamak</i>
расм солмоқ	: rasm sâlmâk : <i>resim çizmek</i>
арзиқмоқ	: arzıkmâk : <i>çok istemek</i>
тарқалмоқ	: tarkalmâk : <i>yayılmak</i>

ДИАЛОГЛАР:

Салима, якшанба куни нима қиласан?
 Якшанба куни уйда бўламан. Нима эди?
 "Шарк" кинотеатрида яхши филм бор
 экан. Бирга бормаймизми?

Билетимиз йўқ-ку
 Билет бор. Отам кеча икки дона билет
 олиб келган экан. Борасанми?

Ундай бўлса, албатта бораман.

Адабиёт музейида бўлганмисиз?

Ҳа, бўлганман.

Музей олдида кимнинг ҳайкали бор?

Алишер Навоийнинг ҳайкали бор.

Яна бошқа ҳайкал ҳам борми?

Йўқ, бошқа ҳайкал йўқ. Аммо М.Горкий,
 А.С.Пушкин, Фурқат, Муқимий, Нодира ва
 бошқаларнинг бюстлари бор.

Машҳур ўзбек рассомларидан кимларни
 биласиз?

Мен атоқли ўзбек рассоми Ўрал Тансиқ-
 боевни биламан.

Унинг қайси расмларини томоша қилган-
 сиз?

Менга унинг "Тоғда" деб аталган расми жуда ёқди.

DIALOGLAR :

Salima, yakshanba kuni nima qilasan?

Yakshanba kuni uyda bolaman. Nima edi?

"Şark" kinoteatrida yaxshi film bār ekan. Birga bārmaymizmi?

Biletimiz yok-kü

Bilet bār. Atam keça ikki dāna bilet ālib kelgan ekan. Bārasanmi?

Unday bolsa, albatta bāraman.

Adabiyāt müzeyida bolganmisiz?

Ha, bolganman.

Müzey āldida kimning haykali bār?

Alişer Navāiyning haykali bār.

Yana başka haykal ham bārmi?

Yok, başka haykal yok. Ammā M. Gorkiy, A.S.Puşkin, Furkat, Mukimiy, Nādira va başkalarning byüstlari bār.

Maşhur özbek rassāmlaridan kimlarni bilasiz?

Men atākli özbek rassāmi Oral Tansıkbāyevni bilaman.

Uning kaysi rasmlarini tāmāşa qilgansiz?

Menga uning "Tāğda" deb atalgan rasmi cüda yāqadi.

kino : *sinema*

şunday : *öyle*

atākli : *meşhur*

ÇOK KULLANILAN İFADELER:

Мактабларингизда бадий ҳаваскорлик тўғараги борми?

Ҳа, бор.

Maktablaringizda badiiy havaskarlik to'garagi barmi?

Ha, bar.

Okullaringizda guzel san'atlar amat'orlik kolu var mi?

Evet, var.

Телевизорда бериладиган қайси кўрсатувларни кўрасан?

Мен "Ўзбек тилини ўрганамиз", "Ҳайвонот оламида" каби кўрсатувларни томоша қиламан.

Televizorda beriladigan qaysi ko'rsatuvlarni ko'rasan?

Men "O'zbek tilini o'rganamiz", "Hayvanat alamida" kabi ko'rsatuvlarni tamasha qilaman.

Televizyonda verilen hangi ko'sterimlari (proqramlari) ko'ruyorsun?

Ben, "O'zbek Dilini O'g'reniyoruz", "Hayvanlar Aleminde" gibi ko'sterimlari (proqramlari) seyrediyorum.

Бугун қўғирчоқ театрида қандай спектакль кўрсатилади?

Бугун "Бўғирсоқ" спектакли кўрсатилади.

Bugun ko'g'irsak teatriida k'anday spektakl ko'rsatiladi?

Bugun "Bo'g'irsak" spektakli ko'rsatiladi.

Bugun kukla tiyatrosunda hangi oyun ko'steriliyor?

Bugun "Bo'g'irsak" oyunu ko'steriliyor.

ДОРБОЗЛИК

Дорбозлик, санъатин энг қадимий турларидан бири. Бу санъат тахминан 2500 йил илгари Шарқда пайдо бўлган. Кейинчалик у бутун дунёга тарқалган. Дор дастлаб унчалик баланд бўлмаган. Унинг устида кўрсатиладиган томошалар ҳам содда бўлган. Вақт ўтиши билан дор баландроқ қури-

ла бошлаган. То-мошалар ҳам мураккаблашиб борган. 1859 (бир минг саккиз юз эллик тўқизинчи) йилда машҳур франтсуз дорбози К. Е. Блонден Ниагара шаршараси устида дор куриб томоша кўрсатган.

Ўзбекистонда ҳам дорбозлик узок тарихга эга. Ўзбек дорбозлари дорнинг баландлигини 40-50 метрга етказишган. Бундай дорларда югуриш, сакраш, кўзни боғлаб юриш каби томошалар кўрса-тилган.

Ўзбекистонда катта байрамларда дорбозлик томошалари ҳам кўрсатилади. Кўпинча дор ўйинлари давомида масхарабозлар, раққослар, полвонлар, музикачилар ҳам иштирок этадилар.

Ҳозирги кунда дорбозлик тсирк санъатининг алоҳида туридир.

DÂRBÂZLIK

Dârbâzlik, san'atin eng kadimiy tür laridan biri. Bu san'at tahminan 2500 yıl ilgari Şarkda paydâ bolgan. Keyinçalik u bütün dünyâga tarqalgan. Dâr dastlab unçalik baland bolmagan. Uning üstida körsatiladigan tãmâşalar ham sådda bolgan. Vaqt ötişi bilan dâr balandraq kurila başlagan. Tãmâşalar ham mürakkablaşib bārgan. 1859 (bir ming sakkiz yüz ellik tokızınçı) yılda maşhur frantsuz dârbâzi K. E. Blonden Niagara şarşarasi üstida dâr kurib tãmâşa körsatgan.

Özbekistanda ham dârbâzlik uzak tarihga ega. Özbek dârbâzlari dârning balandligini 40-50 metrga yetkazişgan. Bunday dârlarda yügüriş, sakraş, közni bağlab yüriş kabi tãmâşalar körsatilgan.

Özbekistanda katta bayramlarda dârbâzlik tãmaşalari ham körsatiladi. Köpinça dâr oynlari davâmida masharabâzlar, rakkâslar, pâlvânlar, müzikaçilar ham iştirâk etadilar.

Hâzirgi kunda dârbâzlik tsirk san'atining alâhida türidir.

sâdda : *sade*

tsirk : *sirk*

ega : *sahip*

pâlvân : *pehlivan*

dastlab : *en evvel*

alahida : *hususî*

keyinçalik : *sonralari*

unçalik : *çok fazla*

kadimiy : *eskiye ait*

ATASÖZLERİ:

Ўйин билмаган жой тор деб баҳона қилар.

Oyun bilmagan cây târ deb bahâna kilar.

Oyun bilmeyen yer dar deyib bahane eder.

Хунарсизнинг қўли бағлиқ.

Hünarsizning qoli bağlıq.

Hünersiz'in eli bağlı.

Дарахт япроғи билан кўркам, одам меҳнати билан.

Daraht yaprağı bilan körkam, âdam mehnati bilan.

Ağaç yaprağı ile güzel, insan işi ile.

Кўзбўямачи тулки бўлади, халқ ичида кулги бўлади.

Közboyamaçi tülki boladi, halk içida külgi boladi.

Gözboyamacı tilki olur, halk içinde gülünç olur.

Йиқилган курашга тўймас.

Yıqılğan küraşga toymas.

Yıkılan güreşe doymaz.

Ўйламай қилинган иш, бошга келтирар
ташвиш.

Oylamay қilingan iş, başga keltirar taşviş.

Düşünmeden yapılan iş, başa getirir teşviş (sıkıntı).

Асилсанг баланд дорга осил!

Asılsang baland dârğa âsıl!

Asılırsan yüksek darağacına asıl!

Тиришганнинг тўқмоғи тошга чега
қоқар.

Tirişganning tokmağı taşga çega kâkar.

Çalışanın tokmağı taşа çivi çakar.

Донога иш шону шухрат, нодонга иш
ғому кулфат.

Dânâğa iş şânü şühret, nâdânga iş ğâmü külfat.

Akıllıya iş şan ve şöhret, akılsıza iş gam ve külfet.

SIFAT

қора	: <u>k</u> āra : <i>kara, siyah</i>
оқ	: <u>ā</u> k : <i>ak, beyaz</i>
сарик	: sar <u>ı</u> k : <i>sarı</i>
қизил	: <u>k</u> ızıl : <i>kızıl, kırmızı</i>
кўк	: kök : <i>gök, mavi</i>
яшил	: yaşil : <i>yeşil</i>
жигарранг	: cigarrang : <i>ciğer rengi</i>
пүшти	: püştü : <i>pembe</i>
сапсар	: sapsar : <i>açık menekşe rengi</i>
кул ранг	: kül rang : <i>kül rengi</i>
катта	: katta : <i>büyük</i>
кичик	: kiçik : <i>küçük</i>
баланд	: baland : <i>yüksek</i>
паст	: past : <i>alçak</i>
узун	: uzun : <i>uzun</i>
калта	: kalta : <i>kısa</i>
новча	: nāvça : <i>uzun boylu</i>
пакана	: pakana : <i>kısa boylu</i>
кенг	: keng : <i>geniş</i>
тор	: tār : <i>dar</i>
йўғон	: yoğān : <i>kalın</i>
ингичка	: ingiçka : <i>ince</i>
семиз	: semiz : <i>semiz, şişman</i>
орик	: <u>ā</u> rik : <i>arık, zayıf</i>
чуқур	: çu <u>q</u> ur : <i>derin</i>
саёз	: sayāz : <i>derin olmayan, sığ</i>

ағир	: ağır : ağır
енгил	: yengil : hafif
иссиқ	: ısı ^ı k : sıcak
совуқ	: s ^ı vuk : soğuk
куруқ	: kuruk : kuru
хўл	: h ^ö l : ıslak
тоза	: t ^â za : temiz
ифлос	: ifl ^â s : kirli
эски	: eski : eski
янги	: yangi : yeni
ўткир	: ötkir : keskin
ўтмас	: ötmas : kesmez
тўғри	: toğri : doğru
эгри	: egri : eğri
қиммат	: kımmat : kıymetli, pahalı
арзон	: arz ^â n : ucuz
ёш	: y ^â ş : genç
қари	: k ^â ri : yaşlı
чиройли	: çir ^â yli : güzel
хунук	: h ^ü nük : çirkin
ширин	: şirin : tatlı
аччиқ	: a ^ç çık : acı
нордон	: n ^â rd ^â n : ekşi
шўр	: şor : tuzlu
ботир	: b ^â tır : cesur
қўрқоқ	: k ^ö r ^â k : korkak
соғ	: s ^â ğ : sağ, sağlam
касал	: kasal : hasta
узоқ	: uz ^â k : uzak
яқин	: ya ^q ın : yakın
думалоқ	: dümal ^â k : yuvarlak

ЧИРОЙЛИ ТУЛКИ

Изомиддин овга жуда ишқибоз эди. Касалдан тургандан кейин, ўртоқлари уни тулки овига таклиф қилишди. Қиш куни, ҳаво жуда совук.

Овда кичкина байроқчалар ишлатишди. Тулкининг ини бўлган ўрмон атрофига қизил байроқчалар тикиб қўйишди. Кейин овчилар ҳар қайсилари маълум жойга бориб туришди. Изомиддин ҳам катта бир дарахтнинг олдига турди.

Узоқтан итнинг ҳурган товуши эшитилди...

Ўрмон ниҳоятда чиройли...

Тўсатдан кичкина бир арчанинг орқасида тулки кўринди. Тулки атрофига қаради... Унинг юнги узун, ранги тўқ-сарик эди. Тулки думини қимирлатганда, унинг юнглари қуёш нурида товланар эди.

Изомиддин қарағай орқасида тургани учун, тулки уни кўрмади.

Тулки тўсатдан бир сакради, сўнг тўхтади. У думини қимирлатиб, думалок, қоп-қора кўзларини атрофига тикар ва одам ҳидини сезиб, безовталанарди.

Шу пайт Изомиддиндан бир оз нарига қадалган байроқча шабадада ҳилпиради. Тулки ҳуркиб орқага қайтди.

Кекса овчи Изомиддин томонга югуриб келди... Изомиддин милтигинин оғзини пастга қаратиб турар эди.

Нега отмадингиз? Тулки йонингизда турган эди-ку, Изомиддин!

Изомиддин кулиб: "Отгим келмади, жуда чиройли экан." деди.

ÇIRÂYLI TÛLKI

Îzâmiddin âvga cüda ıŝkıbâz edi. Kasaldan turgandan keyin, ortâklari uni tülki âviga taklif kılıŝdi. Kış küni, havâ cüda sâvuk.

